

UDK:339.564: 635.1/8:656.072.51

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Муродқосим Ачилович Алимов, Сулаймонова Нигора Махаматсолиевна,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

Annotatsion. *This article provides information on Plant Quarantine and Protection, international experiences and their importance in the control of plant products.*

Key words: *plant quarantine, phytosanitary measures, international standards, trade and economic relations, phytosanitary certificate, quarantine permit, export, import, pest.*

Ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини мамлакат ҳудудига олиб кириш ёки ундан олиб ўтишда зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида назоратдан ўтказилади. Бу фитосанитария жараёнлари божхона маъмурияти билан ҳамкорлиги механизми йўлга қўйилади. Божхона хизмати ходими ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини назорат қилишда карантин хизмати инспекторларининг хизмат вазифаларини, қандай маҳсулотлар карантин кўригидан ўтказилиши, Халқаро савдода табиий флора ва фаунанинг қайси йўқолиб кетаётган турлари халқаро (CITES) Конвенция асосида ҳимояланади, қайси миқдордаги ҳажмда олиб киришга рухсат этилади ва шунга ўхшаш саволларни билиши керак.

Европанинг баъзи давлатларда карантин назоратининг бир қисми божхона хизматига юкланган. Зарур ҳолларда, муаммоли вазиятларда ўсимликлар карантини хизматига мурожаат қилинади.

Ўсимлик маҳсулотлари олиб кириш ва олиб чиқишда зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишини назорат қилишни Ўсимликларни ҳимоя қилиш халқаро конвенцияси (IPPC) ва БМТ (ФАО) ташкилоти талабларига уйғунлаштиришни талаб

этади. Ўсимликлар карантини назоратида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси минтақавий ташкилотлари муҳим ўрин тутди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси минтақавий ташкилотлари.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси минтақавий ташкилотлари (РОКЗР)- бу миллий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотлари (НОКЗР) фаолиятини минтақавий тартибга солувчи орган сифатидаги давлатлараро ташкилотдир. Ҳозирги даврда дунёда 9 та Минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган:

№	Минтақавий ташкилот номи	Ташкил этилган сана	Аъзо давлатлар сони	Манзили
1	Европа ва Ўртаер денгизи ҳавзаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (ЕОКЗР)	1951 йил	Дунёдаги 52 та давлат аъзо бўлган	Франция. Париж.
2	Осиё ва Тинч океани ўсимликлар карантини ва ҳимояси комиссияси	1955 йил. 16.02.1983 Кучга кирган	Австралия АҚШ, Бруней, Вьетнам, Чили, Канада, Малайзия, Мексика, Перу, Янги Зеландия, Сингапур, Япония.	Тайланд Банкок
3	Ўсимликлар соғлиги бўйича Жанубий Конус Қўмитаси(COSAVE)	1989. йил 15.март.	Аргентина Бразилия Чили,Парагвай, Уругвай	Монтевидео Уругвай
4	"АНД жамияти (АС)"	1969 йил	Боливия, Венесуэла, Перу Колумбия, ва Эквадор	Лима (Перу)
5	Африка давлатлараро фитосанитар кенгаши (IAPSC)	1956 йил. 1967 йил имзоланган	Африка қитъасида барча давлатлар (Мароккодан ташқари)	Яунда (Камерун)
6	Яқиншарқ ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича минтақавий ташкилоти (NEPPO)	1993 йил. 2009 йил кучга кирган	Жазоир, Миср, Иордания, Ливия, Мальта, Марокко Покистан, Жанубий Судан, Судан, Сурия, Тунис.	Марокко Рабат.

7	Шимолий Америка ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти. (NAPPO)	1976 йил	Америка, Канада, Мексика.	Шимолий Каролина. Роли.
8	Ўсимликлар ва ҳайвонлар соғлигини сақлаш бўйича халқаро минтақавий ташкилот (OIRSA)	1953 йил 29 октябрь	Мексика, Белиз, Гватемала, Сальвадор, Гондурас, Коста -Рика, Никарагуа, Панама ва Доминикана.	Сальвадор. Сан- Сальвадор,
9	Транс-Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти (Trans-Pacific Partnership, TPP)	2017 йил. 2019 йилдан кучга кирган	Австралия, Бруней, Канада, Мексика, Чили, Сингапур, Вьетнам, Перу, Малайзия, Янги Зеландия ва Япония	Янги Зеландия. Окленд

Минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотларининг асосий мақсадлари:

- Ўсимликлар карантини
- Фитосанитар сертификалаштириш ва карантинда бўлмаган зарарли организмларни назорат қилиш

- Инвазив бегона ўтлар
- Биологик кураш агентлари
- ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари самарадорлиги

Амалиёт:

- минтақавий техник стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш
- Халқаро стандартлар ишлаб чиқишда иштирок этиш
- Минтақавий ташкилотлар ахборот тизими орқали билим ва тажрибалар алмашинувини ташкил этади. Марказий Осиё ва Ўзбекистон учун ушбу ташкилотлар ичида халқаро савдо алоқаларни ривожлантиришда ва ўсимлик дунёсининг фитосанитар ҳолатини таъминлашда Анд жамияти ва унинг фаолиятидаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

"АНД жамияти (АС)"

Ташкил этилиши ва интеграциялашув этаплари

Анд жамияти(АС)- Картахен келишувига асосан 1969 йилда ташкил этилган. Унинг таркибига Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу ва Эквадор киради. Анд жамияти(АС) Лотин Америкасида эркин савдо йирик интеграциялашув Лотин Америкаси эркин савдо ассоциацияси (ЛАСТ)пайдо бўлиши арафасида вужудга келган.

Божхона иттифоқи ташкил этилиши.

1991 йил декабрдаги Анд мамлакатлари президентларининг Картохен кенгашида божхона иттифоқини тузиш ва ягона божхона тарифларини қўллаш бунда айрим маҳсулотлар учун 5. 10 . 15 ва 20% дан ошмаслиги бўйича қарор қабул қилинган. Бироқ, ягона божхона тарифларини қўллаш бўйича Перу билан Боливия, Колумбия билан Венесуэла ўртасида келишувлар қийинчилик билан амалга оширилган. Шунингдек Перу ва Боливия экспорт маҳсулотларига субсидиялар талаб қилган бўлса, Колумбия ва Венесуэла экспортни рағбатлантиришда умумий тартибда субсидияларсиз сиёсатни олиб боришни талаб қилган. Шу шароитда Колумбия ва Венесуэла бошқа аъзо давлатлардан фарқли равишда 15 март 1992 йилдан бошлаб ушбу икки давлатда ягона божхона тарифларини қўллаш таклифини киритган.

1994 йилда Анд давлатлари охириги натижага эришди, уч мамлакатда ягона божхона тарифларини қўллаш ва бу 1995 йил февралда кучга кириши белгиланди. Боливия иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб 5-10% даражасида миллий тарифларини қўллашга рухсат этилди. Анд давлатлари ягона божхона тарифлари 5 до 20% даражасида, ўртача 14%. Бу қиймат амал қилиши чегараланган бўлиб 88% божхона номенклатурасида белгиланган 6650 турдаги маҳсулотлар учун. Венесуэла ва Колумбия учун 230 хил, Эквадор учун – 800 хил.

Перу савдо амалиётида миллий божхона тарифлари, ставкасини қўллашга рухсат этилди 15 дан 25% гача, ўртача 16%. Барча қийинчиликларга қарамасдан савдо-сотиқни либераллаштириш Анд давлатлари келишуви доирасида 90 йилларга нисбатан йилига 30%га ортган ва 1997 йилга келиб 5 бараварга ёки 5 млрд. долл.га ўсган.

Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон Республикасида Анд давлатлари кенгаши интеграцияси тажрибаларининг аҳамияти.

Биринчидан, эркин савдо зонасини, шунингдек божхона иттифоқини яратишда Анд давлатлари келишуви томонидан қўлланиладиган ёндашувлар муҳим. Асосийси “вақти-вақти билан интеграциялашуви” ўзгаришлари тажрибаси, унда ўхшаш мақсадларга эга бўлган ва бир йўналишда ҳаракат қилишни истаган турли хил мамлакатлардан ташкил топган турли хил интеграция гуруҳларининг комбинациялари мавжуд.

Иккинчидан Анд давлатлари томонидан ўзаро савдо алоқалар бўйича роли интеграция шартномалари туфайли юқори суратларда ривожланди. (90 йилларда у ҳар йили 30%га ошди). Гарчи миқдорий жиҳатдан ўзаро савдо ҳажми нисбатан кичик бўлсада, унга аъзо давлатлар томонидан берилган устиворлик гуруҳлаш учун катта аҳамиятга эга эди. Чунки бу маҳсулот экспортини кўпайтиришга имкон берди.

Учинчидан, Лотин Америкасида иккита кучли интеграция кутблари мавжуд бўлган бир пайтда Анд давлатлари келишуви интеграциясини сақлаб қолиш, шунингдек, Анд давлатлари келишуви интеграциясида ва ундан ташқарида турли хил иқтисодий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро таъсир механизми эътиборни тортади. Шубҳасиз Анд давлатлари келишуви интеграциясини сақлаб қолиш унинг аъзолари ўртасида умумий вазифалар, интеграция ананалари ва энг муҳими-иқтисодий, илмий, илмий-техникавий ва маданий соҳадаги аниқ лойиҳаларнинг мавжудлиги билан осонлашди. Ушбу тажриба МДХ мамлакатлари ичидаги турли иқтисодий бирлашмаларнинг ўзаро таъсирида ва МДХ давлатларининг бошқа ҳалқаро ташкилотларда иштирок этиши шароитида фойдали бўлиши мумкин.

Анд давлатлари келишуви интеграцияси потенциали 120. Млн. аҳоли. 900 млрд. долл. ЯИМ ва 4.7 млн. Км² ҳудудга эга. 2005 йил Эркин иқтисодий зона ташкил этилган. 1995 йил ягона божхона тарифи жорий этилган. 40% маҳсулот минтақадан ташқарига экспорт қилинади. 2011 йил расман божхона иттифоқи ташкил этилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Осиё ва Тинч океани ўсимликлар карантини ва химояси комиссияси
yubak.gc@fao.org yubak.gc@fao.org

2. Ўсимликлар соғлиги бўйича Жанубий Конус Қўмитаси (COSAVE) E-mail: cosave@cosave.org.

3. Анд жамияти(АС) <https://www.wipo.int>

4. ЕОКЗР. <https://www.eppo.int>

5. Африка давлатлараро фитосанитар кенгаши. au-cpi@au-appro.org

6. Яқиншарқ ўсимликлар карантини ва химояси бўйича минтақавий ташкилоти. <http://www.nepo.org>

7. Ўсимликлар ва ҳайвонлар соғлигини сақлаш бўйича халқаро минтақавий ташкилот (OIRSA). emedina@oirsa.org

8. Транс Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти. <https://www.cfr.org>

9. Шимолий Америка ўсимликлар химояси ташкилоти. www.napso.org.